

---

## Туманимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш бўйича долзарб 40 кунлик давом этмоқда

Тумандаги корхона ва ташкилотларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли вакиллари ҳамжиҳатликда ҳашар йўли билан катта йўл бўйлари, ариқ ва зовурларда тозалаш, ободонлаштириш, манзарали дарахт кўчатлари, терак қаламчалари экиш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумот ўрнида, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумида туманда 195,9 минг дона манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари, қаламчалари экиш режалаштирилган. 2023 йил баҳор мавсумида эса улар жами 522,5 минг донага етказилади.

Жойларда, маҳалла ва муассасаларда дарахт экиб, боғ яратиш ўзгача шукуҳ билан давом эттирилмоқда.

2022-11-02 18:32:52